



Бахтиёр Халмуратов

Наманган давлат университети
доценти, тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)
E:mail: baxtiyorm@mail.ru

ЎЗБЕК ХАЛҚИ АНЪАНАВИЙ ТУРМУШ ТАРЗИ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ ТИЗИМИДА ДАРЁ КУЛЬТИ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17605762>

Аннотация. Ушбу мақола ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзи ва миллий қадриятлари тизимида дарё култининг ўрни тарихий ҳамда этнографик жиҳатдан таҳлил қилинган. Ўрта Осиё минтақаси қадимдан тарихий ва иқтисодий, керак бўлса, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ҳудудлардан бири бўлиб, ўзининг хилма-хил этник таркиби ҳамда стратегик геосиёсий жойлашуви билан ажралиб туради. Мазкур жараёнда минтақадан оқиб ўтган дарёлар муҳим аҳамият касб этган бўлиб, уларнинг бўйларида ўзига хос маданият ҳамда хўжалик анъаналари шаклланган.

Ушбу тадқиқотда ўзбекларнинг дарё култига оид қарашларининг тарихий илдизлари, ушбу тимсол билан боғлиқ маросимлар ва анъаналар, уларнинг минтақа аҳолиси кундалик ҳаёти (хўжалиги, оилавий ҳамда диний маросимлари)да тутган ўрни этнографик жиҳатдан муҳокама қилинган.

Kalit so'zlar: Фарғона водийси, ўзбеклар, Сирдарё, Амударё, Норин, дарёлар, дарё култи, сув, сув билан боғлиқ хатарлар, маросимлар, дарёга қурбонлик қилиш, сув билан покланиш,

қорақалпоқлар, хўжалик маданияти, ҳунармандчилик, бўйра тўқиш, халқ оғзаки ижоди, моддий маданият, маънавий маданият, эркак ва аёл.

Кириш. Дарё рамзи билан боғлиқ маросимлар дунё халқлари мисолида батафсил ўрганилган. Бироқ, ўзбек халқининг дарё тимсоли билан боғлиқ тасаввурлари ва маросимлари турли қисмларга бўлинган ҳолда этнографик, фолклористик ҳамда тарихийлик нуқтаи-назаридан ёндашилган ҳолда тадқиқ этилган бўлса-да, тақвимий маросимлар умумлаштирилган, мажмуавий ёндашув асосида тадқиқ этилмаган.

Ўзбеклар ҳам бошқа халқлар сингари дарё култи билан боғлиқ тасаввурлардан хўжалик машғулотларини режалаштириш, маиший ва диний маросимлар вақтини белгилашда фойдаланганлар. Айнан мана шундай қарашлар ўзбек халқи этномаданияти тараққиётида ўзининг муносиб ўрнига эгадир.

Ўзбеклар турмуш тарзининг барча жараёнларида кўзга ташланувчи дарё култи билан боғлиқ маросимлар оилавий, хўжалик ҳамда ижтимоий ҳаётнинг маълум бир тартибда давом этишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Улар одамларнинг кундалик турмуш тарзида суткани турли вақтларга бўлиш ва улар асосида бир кунлик ҳаётий жараённи тақсимлаш, турли хўжалик машғулотларининг бошланиши ҳамда тугалланиши, шунингдек, жамоаларда ҳаётнинг бир маромда кечишида ҳам муҳим амалий аҳамият касб этган.

Асосий қисм. Дунёдаги ҳар бир этнос ўз тили, урф-одат ва анъаналари, маросимлари, хуллас ўзига хос моддий ва маънавий меросига эгадир. Ўзбеклар ҳам қадимий маданий халқлар қатори мана шундай бебаҳо маънавий хазина соҳиби бўлиб, ўз миллий қадриятлари, удум ва маросимлари билан жаҳон цивилизациясида ўзига хос ўрин эгаллайди.

Ўзбекларнинг асрлар давомида шаклланган дарё култи билан боғлиқ урф-одат ҳамда маросимлари бошқа халқлардан айри ҳолда вужудга келмаган. Бундай маросимлар тизими азалдан ўзбеклар билан

ёнма-ён яшаб келаётган қардош – тожик, туркман, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа халқларнинг бевосита иштирокида шаклланиб, тараққий этган.

Ўзбек халқининг дарё рамзи билан боғлиқ урф-одат ҳамда маросимларига доир қарашлар эволюциясини ўрганишда шу жиҳатлар аниқландики, юқоридаги тимсоллар мазкур этноснинг кундалик ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечган. Дарё култи билан қарашлар ва маросимлар шакли, функцияси ҳамда даврийлигига кўра бир-биридан фарқланган.

II. Адабиётлар таҳлили ва методлар. Ўзбек халқининг анъанавий хўжалик ҳаёти, оилавий маросимлари ва диний қадриятлари тизимида дарё култи билан боғлиқ назариялар, қарашлар ҳамда урф-одатлар тарих, география, этнология ва сиёсатшунослик соҳаларида *keng o‘rganilgan va tahlil qilingan* [Солиев Э. (2017)]. Чунки, қадимдан кундалик машғулоти асосан, сунъий суғоришга асосланган Ўзбекистон ҳудудида яшаган аҳолининг турмуш тарзида дарёлар жуда муҳим, стратегик объект ҳисобланган [Аширов А. (2020)]. Бу борада айниқса, *Farg‘ona vodiysi* ва Хоразм воҳаси *etnik xilma-xillik tarkib* топган, савдо-сотиқ ҳамда хўжалик муносабатлари кенг ривожланганлиги учун *qadimgi davrlardan boshlanib*, ушбу минтақада *migratsiyalar*нинг кенг тўлқини юз бериб, *Markaziy Osiyo orqali o‘tgan savdo yo‘llari shakllangan* [Саидов А. (2010)].

Натижалар ва муҳокамалар. Маълумки, дунё халқлари мифологиясида дарё тимсоли икки маънода қўлланилган: сувнинг обод этиш билан бир вақтда вайрон қилиш хусусиятга ҳам эга эканлигидир. Деярли барча халқларда дарё сув инсонни гуноҳлардан фориғ этиб, поклайди, деган қарашлар мавжуд. Ҳатто баъзи халқлар удумларига кўра, янги йил байрами пайтида дарё соҳилида туриб, тавба дуолари ўқилган, гўёки шу орқали юракларидаги кир юкларни сувга ғарқ қилганлар. Бундай маросим “ташлих” (“Сен ташлайсан”) деб номланган. Ҳиндистондаги Ганг дарёси соҳилларида эса ҳамиша

руҳий покланиш ва хасталикдан халос бўлишни истаганларни учратиш мумкин [Мингбоева Д. 2022. – Б. 66].

Ўз навбатида, бу каби руҳий покланиш одати Фарғона водийси ўзбекларида ҳам мавжуд бўлиб, ушбу минтақа аҳолиси руҳан тушкунлик ҳолати ва чарчоқ аломатларини Сирдарё, Норин ёки Қорадарё бўйига бориб, балиқ овлаб ёхуд сувга узок вақт мобайнида термулиб ўтириш орқали бартараф этади [Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Тумор ва Олаҳамак, Наманган вилояти Норин тумани Учтепа ҳамда Кемабоши, Андижон вилояти Балиқчи тумани Чинобод қишлоқлари. 2025 йил].

Дарё култи билан боғлиқ қарашлар ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам кенг қўлланилади. Жумладан, фольклоршунос олим Шомирза Турдимовнинг фикрича, дарё икки олам, макон ва замон, ошиқлик ва маъшуклик, йигитлик ва эрлик, қизлик ва аёллик, кўнгиллар ҳамда тақдирлар ўртасидаги чегара рамзий маъносини ифодалайди.

*Дарёдан оқиб келади оқ ёғоч,
Оқ ёғочга ин қўйибди қалдирғоч.
Қалдирғоч қанотига қил боғлади,
Бизнинг ёр келмасликка бел боғлади,*

Юқоридаги матнда дарёдан оқиб келаётган оқ ёғоч – эр киши, оғочга қўнган қалдирғоч – аёл, қалдирғоч оёғига боғланган қил – аёлнинг эр кишига боғлиқ эканлигидан далолатдир. Лекин, оқ ёғоч бир жойда муқим эмас, чегара ҳудудида оқиб кетмоқда. Шу сабабли лирик қаҳрамон: “Бизнинг ёр келмасликка бел боғлади”, деб тақдирига тан берган [Турдимов Ш. 2020. – Б. 56]. Бу каби дарёнинг ошиқлик ва маъшуклик, йигитлик ва эрлик, қизлик ва аёллик, кўнгиллар ҳамда тақдирлар ўртасидаги чегара маъносини англатиши Фарғона водийси ўзбеклари никоҳ тўйларидаги айрим урф-одатларда яққол кўзга ташланади. Масалан, ҳозирги кунда Наманган вилояти аҳолиси орасида никоҳ тўйи куни ёшларнинг гуруҳ бўлиб, Сирдарё устига қурилган кўприкдан ўтиш одати сақланиб қолганлиги дарёнинг кўнгиллар ҳамда тақдирлар ўртасидаги боғловчи ришта эканлигидан

далолат беради [Дала ёзувлари. Наманган вилояти Поп тумани Майда миллат, Гурумсарой ва Пунгон қишлоқлари. 2025 йил].

Ўз ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, “Сирдарё” номи Фарғона водийсида яшовчи маҳаллий аҳоли орасида шу қадар ҳурматга сазовор ва беҳад машҳурки, баъзи ҳолларда турли инсонлар ўз фарзандларига Сирдарё, Сайхун, Дарё деб исм қўйиш анъанаси мавжуд бўлиб, этнографик тадқиқотлар жараёнида Сирдарё бўйида жойлашган Тепакўрғон (Поп тумани), Қолгандарё (Мингбулоқ тумани) қишлоқларида исми дарё номи билан боғлиқ бўлган Сирдарё ва Сайхун исмлардаги кишиларга дуч келинди [Дала ёзувлари. Наманган вилояти Поп тумани Тепакўрғон ва Мингбулоқ тумани Қолгандарё қишлоқлари. 2024 йил].

2016–2020 йиллар давомида Сирдарё бўйида жойлашган Фарғона водийси қишлоқларида олиб борилган этнографик тадқиқотлар жараёнида маҳаллий аҳолидан “нима учун бу дарё Сирдарё деб номланади?”, “Сирдарё” сўзининг луғавий маъноси нимани англатади?”, деб сўралганда, кўплаб ахборотчилар томонидан, асосан, “бу дарё жуда кўп сир-синоатларни кўрганлиги боис “сирли дарё” ёки “дарёни ўзига хос сирлари борлиги сабабли “Сирдарё” дейилади”, деган жавоблар бердилар [Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Уймовут ва Қудуқ қишлоқлари. 2016–2020 йиллар].

Бу ўринда ҳақиқатдан ҳам Сирдарёни сир-асрори бўлганлиги туфайли шундай дейилганми ёки бунинг бошқа сабаблари ҳам борми, деган саволлар пайдо бўлади. Бу ўринда энг аввало, шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, юқоридаги фикр-мулоҳазалар, асосан, халқ этимологияси бўлиб, дарёнинг кейинги даврдаги номланиш тарихи билан боғлиқ маҳаллий аҳоли орасидаги халқона қарашлар ҳисобланади.

Сирдарё ва бошқа қатор сув ҳавзалари сувидан фойдаланишга асосланган суғориш тизими Фарғона водийсида деҳқончилик ҳўжалиги хусусиятлари ва унинг турлари ҳамда жойлашиши, қадимий

маданиятнинг ривож топиши, турли диний анъана ва маросимларнинг генезисини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Водийда сув минтақа иқтисодиётининг асосини ташкил қилган. Анъанавий хўжалик ҳисобланган деҳқончиликнинг аҳволи ҳам сувга бевосита боғлиқ бўлган. Шу боисдан ҳам деҳқонлар баҳорги экин-тикин ишлари бошланишидан аввал маросимий тарзда қурбонлик қилиб, худойи маросимини ўтказганлар. Маросимда ҳайвон (қўй ёки буқа) сўйилган ва бошланаётган йилда сув тошқинлари ҳамда ўз навбатида қурғоқчилик бўлмаслиги ва сувга сероб йил бўлиши Аллоҳдан сўралган. Қадимги туркийларнинг дунёқарашларига кўра, буқа истеъмол қилиниши мумкин бўлган ҳайвон, кўк буқа эса сув манбаи хўжайини ҳисобланиши сабаб бўлса керак [Саримсоков А. 2014. – Б. 114].

Хоразмда янги ариқ қазилиб, у Амударёга уланган пайтда, хоннинг буйруғига кўра, мазкур ариқ доимо серсув бўлишини тилаган ҳолда 8 – 10 та сигир ва хўкизлар қурбонлик қилиниб, сувга ташланган, сўнгра деҳқонлар сувга тушиб бўғизланган ҳайвонларни олиб чиққан ва ундан турли таомлар тайёрлаб, шу ернинг ўзида истеъмол қилинган [Ротаров Л. Р. 1930. – Р. 23]. Шунингдек, Тошсақо каналининг бош қисми қайта бунёд этилиб, унга сув қуйилаётган пайтда Хива хони Оллоқулихоннинг ўзи ҳам хўкиз сўйиб, қурбонлик қилган [Гулямов Я. Г. 1957. – С. 250]. Ушбу удум Марказий Осиёнинг бошқа минтақаларида ҳам кенг миқёсда тарқалган. Масалан, этнограф И. Мухиддиновнинг маълумотларига кўра, помирликларда баҳорда ҳамиша сув оқиши учун ариқ қазишдан аввал қурбонлик қилиниб, қон чиқарилган. Ҳар йили асосий сув иншоотини таъмирлаш ва анҳорни тозалашда ҳамқишлоқлар биргаликда қўй ёки хўкизни қурбонлик қилганлар [Мухиддинов И. 1975. – С. 44]. Хуллас, дарёга хўкизни қурбонлик қилиш удумининг тарихий асослари сув култи билан боғлиқ бўлган.

Баҳорда Сирдарё каби улкан дарёлар сел ва тошқинлар туфайли рангини ўзгартириб, қизил рангга кириб, тўлиб тошган вақтда “дарё

қонсирабди”, деб фараз қилинган. Маҳаллий аҳоли орасида ўзига хос “садақа пули” йиғилиб, тўпланган пулга қўй сотиб олинган ва дарё қирғоғида сўйилган ҳамда унинг қони сувга оққизилган. Олдинлари унинг танаси ҳам дарёга ташланган ва Худодан қурбонликни қабул қилишини ҳамда турли табиий офатлардан сақланишини сўраб, дуо қилинган [Шаниязов К. Ш. 1974. – С. 189].

Ахборотчиларнинг айтишича, дарёбўйи қишлоқлари аҳолиси баҳорда сув бўйида тўпланиб, шу ерда хўроз ёки қўй сўйиб, қонини сувга оққизганлар. Нима мақсадда бундай қурбонлик қилинишини сабабини сўралганида, “Қурбонлик қилинмаса, дарё суви “қонсирайди”. Ёш болалар, уй ҳайвонлари сувга оқиб кетади, дарёбўйи аҳолиси экинларига сув тошиб, вайрон қилиши ёки ёзги чилла даврида суви камайиб кетиб, қурғоқчилик бўлади”, деб жавоб бердилар [Дала ёзувлари. Наманган вилояти Норин тумани Учтепа қишлоғи. 2018 йил]. Ўз ўрнида шуни ҳам қайд этиш керакки, археологларнинг маълумотларига кўра, сув билан боғлиқ маросимларда қурбонлик қилиш одатлари палеолит давриданок бошланган [Календарные обычаи и обряды народов восточной Азии. Годовой цикл. – С. 132].

Юқорида қайд этилганидек, сув кам бўлган қурғоқчилик даврида ҳам қўй сўйилиб, қурбонлик қилинган. Қурбонлик учун йиғилган пулга қўй сотиб олингандан сўнг маҳалла эркаклари тўпланиб, ариқ бошига борилган. Бу ерда улар қўйни сўйиб, унинг гўштидан шўрва пиширганлар. Тайёрланган таом маҳалла аҳли ва йўлдан ўтиб кетаётганларга тарқатилган. Маросим якунида маҳалла муллasi томонидан дуо ўқилиб, Худодан ёмғир ва дарёлар ҳамда ариқлар сувга тўлиб-тошиб оқишини сўралган.

Фарғона вилояти Сўх туманида Сўх дарёсининг бошланиш қисмида “Йигит Али пирим” зиёратгоҳи ҳам бўлиб, бу ерда маҳаллий аҳоли қурбонликлар қилиб турган. Этнограф Р. Я. Рассудованинг ёзишича, ушбу зиёратгоҳ Ҳазрат Али номи билан боғлиқ бўлиб, ундан оқиб чиққан сувни олиб бориб, Алидек жасур бўлишини тилаган ҳолда ўғил болалар устига сепилган [Рассудова Р. Я. 1985. – С. 97]. Бундан

ташқари, олима Фарғона водийсидаги бундай зиёратгоҳларнинг бир нечтаси айнан суғориш тизимлари билан боғлиқ эканлигини қайд этган ва суғорма деҳқончилик тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутишини таъкидлаган. Бу сингари намгарчилик ва ёғингарчилик культларига сиғиниш дунёнинг бошқа халқларида ҳам мавжуд бўлганлиги тарихий-этнографик манбаларда қайд этилган [Басилов В. Н. 1970. – С. 26–27].

Водийда олдинлари сув тошқинларининг дамини қайтариш учун дарё ичига сепоялар ўрнатилиб, бундай сепояларнинг олд томонига дарахт шохлари, маккажўхори боғи сингари нарсалар қўйилиб, устига тош бостирилган. Албатта, ушбу тўсиққа учраган сувнинг шиддати бироз қайтиб, офатнинг кучи камаяди. Сепоя олдида қўйиладиган ана шу шох-шабба, экин поялари халқ тилида ҳозир ҳам “ўлик” деб аталади. Нимага бундай? Сабаби шундаки, одамзот табиатнинг асов кучлари қаршисида ожиз бўлган пайтда қурбонликлар қилинади. Ушбу маросимларнинг энг асосийси ҳозиргидай мол-қўй эмас, қадимги замонларда одам бўлган. Ҳамма ёқни ямлаб, ўз йўлида тўхтамай, пишқириб оқаётган сувга Тўхтасин, Тўхтавой, Қурбонали ва ҳоказо исмли одамлар тутиб босилган ҳам (гўё бундай исмлар маъносини англаган офат шундан сўнг шаштидан тушадигандай), кейинчалик эса гўё табиат стихиясини алдаш учун, сувга босилган шох-шаббалар ҳам “ўлик” деб атала бошлаган [Исомиддинов З. 2019. – Б. 88]. Кўрамизки, жон қурбон қилиш “буни олсинда, эвазига уни омон қўйсин”, деган маънода бўлиб, жон савдоси сингари тушунилган. Энг улкан офат-талофатларда эса қурбонликнинг энг зўри – одам бўлган.

Водий қорақалпоқларида эса баҳорда Сирдарё тошган вақтда авваллари момолар дарёнинг олдида келиб, унга “мен қайтдим, сен ҳам қайтгин“, деб дарё сувини қўлларидаги бирорта идиш билан шопирганлар [Дала ёзувлари. Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Қолгандарё қишлоғи. 2020].

Сув билан боғлиқ турли одат ва анъаналар орасида айнан сувнинг магик хусусияти билан боғлиқ ҳолдаги айрим анъаналар ҳам учрайди. Жумладан, ушбу хусусиятлар кўп ҳолларда дарё ёки ёмғир суви билан боғлиқ эканлигини кўриш мумкин. Этнографик тадқиқотлар жараёнида водийдаги энг машхур сув объекти бўлган Сирдарё сувининг магик хусусияти билан боғлиқ қизиқ бир одатни кузатишга муваффақ бўлинди. Маълумки, Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Гулқишлоқ яқинидан Сирдарё оқиб ўтади. Ҳафтанинг чоршанба кунда шу қишлоқ ва унга яқин бўлган бошқа қишлоқларда истиқомат қилувчи бахти очилмаган қизлар, фарзандсиз аёллар, иши юришмасдан бирор муаммога дучор бўлган ёки касал бўлиб, дарддан фориғ бўла олмаётган кишилар дарё қирғоғига келади. Айнан шу ерда турган қайиқларда дарёнинг бир тарафидан иккинчи қирғоғига сузиб ўтиш жараёнида оқимнинг уч жойидан идишга сув олинади. Сўнгра ушбу сувни улар ўз уйларига олиб келиб ният қилиб ичадилар. Шунингдек, кечаси уйқусида ёмон туш кўрган одамлар ҳам дарёга келиб, тушини сувга айтиш одати мавжуд [Дала ёзувлари. Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Гулқишлоқ қишлоғи. 2020 йил].

Бу ўринда айнан нима учун дарё сувидан олиб ичилади? Ёмон туш кўриш билан дарёни қандай боғлиқлиги бор? деган саволлар пайдо бўлади. Этнофольклор йўналишда бажарилган тадқиқотларда қайд этилишига кўра, дарё ҳосилдорлик культларидаги сув култи объектидир [Мусақулов А. 2010. – Б. 192]. Айнан шу сабабдан бахти очилмаган қизлар турмуш қуриш ва бефарзанд аёллар фарзандли бўлиш мақсадида дарё сувидан ичадилар. Маҳаллий аҳоли тасавурида айнан оқар сув энг покиза ва доимий равишда ҳаракатда бўлганлиги боис нафақат у ичимлик вазифаси, балки руҳий жиҳатдан покланиш хусусиятига ҳам эга экан. Шу боис одамлар ўзларини кўрган “ёмон тушлари”ни дарё ва ариқларлаги сувга айтиш орқали ўзларидаги ёмон тасаввурни узоқлаштирганлар.

Шунингдек, аёллар иштирокидаги Бибимушкулкушод маросимининг якунида кишмиш думчалари ўралган пахталар оқар сув

– ариқ, анҳор, канал ёки дарёга ташлаб юборилади. Уни ташлашдан олдин “Мушкулимиз осон бўлсин, ҳожатимиз равон бўлсин!”, деган ният билдирилади. Илгари сув тегирмонлари мавжуд бўлган пайтларда пахта тегирмоннинг новига ташлаб юборилган [Фатхи Х. 2005. – С. 13–14]. Аммо, ҳозир бундай вазифани сув ҳавзаларининг ўзи бажаради.

Сўх тожикларида ўзини бебахт, бадбахт деб ҳисоблаётган йигит ва қизларга бахти очилиши учун тоза идишда ёмғир суви ичирилади. Ушбу одат “бахтикушо” (бахтли бўлсин) деб аталади. Ёмғир ёғаётган вақтда очик ҳавога чиқиб ўтириш тақиқланади. Чунки халқона удумга кўра, ёмғир суви қут-барака, осмондаги Тангри таоло томонидан юборилган “марварид донаси” ёки “обирахмат” саналади. Шунинг учун ёмғир сувини булғаш гуноҳи азим ҳисобланади. Ёмғир сувини фарзанд ато этиш мақсадида ёшларга ичирилса, қизлар эса сочлари кўпайиши ва узун бўлишини истаб, ёмғир сувига сочларини ювганлар [Сўфиев Ў. М. 2014. – Б. 120].

Дарё култи билан боғлиқ қарашлар ўзбек халқи хўжалик ҳаётининг муҳим бўғинларини ташкил этган. Жумладан, қорақалпоқлар Фарғона водийси ҳудудига кўчиб ўтар эканлар, ўзлари учун анъанавий ҳисобланган машғулоти билан шуғулланиш имконияти мавжуд ҳудудларга жойлашиш ҳаракатида бўлганлар. Шу боис, уларнинг аксарияти Сирдарё ва Қорадарё қирғоқларидаги ерларга жойлашиб, Андижондан то Қўқонгача бўлган ҳудудларда ўзларининг манзилгоҳларини ташкил қилган.

Фарғоналик қорақалпоқларга алоҳида манзилгоҳларни ташкил этишлари ва азалий машғулоти билан шуғулланишни давом эттиришлари этномаданий хусусиятларининг бир қатор жиҳатларини сақланиб туриш имкониятини берган.

Масалан, маълум турдаги ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор водийдаги кўплаб этник жамоалар ҳунармандчилигининг айрим соҳалар бўйича ихтисослашувига олиб келди. Бундай хусусиятни водийнинг кўплаб этник жамоаларда

кузатиш мумкин [Губаев С. С. 1991. – С. 18–19]. Хусусан, Сирдарё бўйида қорақалпоқлар турли дарахт новдаларидан сават ва қамишдан турли ўлчамдаги бўйра маҳсулотлари тайёрлашда машҳур эдилар. Бундай маҳсулотларни азалдан ўтроқ ўзбек, юз, қипчоқлар ҳам тайёрласаларда, барибир водий аҳолиси қорақалпоқлар томондан тайёрланган пишиқ, қулай, арзон шундай маҳсулотларни жуда қадрлаганлар. Ахборотчиларнинг маълумотига кўра, сават учун дарё бўйидаги тўранғи, тол, йилғин ўсимлиги новдалари энг мос келувчи хом-ашё бўлиб ҳисобланган [Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Оқтепа қишлоғи. 2020 йил].

Саватлар шакли ва фойдаланиш хусусиятига кўра турлича: таглиги ёйиқ – нон сават, таглиги чуқур – қошиқ сават, мевалар учун – мева сават, балиқ ови учун – босма сават ва бошқа турлари тўқилган. Уста ҳунармандлар куз мавсумида тўранғи новдаларни саралаб олиб, тўқиган сават бемалол ўн йилдан кўп хизмат қилган. Жумладан, Наманган вилояти Поп тумани Кенагас қишлоғида тайёрланган саватлар чор-атрофда донг таратиб, ҳатто Қўқон бозорига олиб бориб сотган [Дала ёзувлари. Наманган вилояти Поп тумани Кенагас қишлоғи. 2021 йил].

Қорақалпоқлар Фарғона водийсида қамишдан турли буюмлар тайёрлаш бўйича мутахассис ҳунарманд сифатида донг таратганлар. Маълумки, улар яшаётган Сирдарё бўйлари қамиш хом-ашёсига бой макон ҳисобланган. Ахборотчиларнинг билдиришича, қорақалпоқлар қамишдан турли буюмлар: уй саҳнига тўшаш учун, уй томини ёпиш учун, майитни қабрга қўйиш учун бўйра, шунингдек, цилиндр шаклида дон солинадиган махсус идиш – бордон, ўчоқ ёнида тўшаладиган П шаклида ўчоқбордон, балиқ овлаш учун тўсиқ – ғазо каби буюмлар тўқиган [Дала ёзувлари. Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Момахон қишлоғи. 2018 йил].

Ҳатто, кексаларнинг эслашларича, Чуст яқинидаги “ирув” уруғи вакиллари қамиш момиғидан кийим тайёрлашда ҳам фойдаланган. Шунингдек, қўғадан махсус равишда эшилиб, арқон, айл, узанги,

қамишдан чий тўқилган. Қамиш тўқишда ҳунарманд қамишни пўстлоғидан тозалаб, ёрғу билан ёриб сўнг бир томонга 11 та қамиш, уларга кўндаланг қилиб 13 та қамиш пояси қўйиб тўқилади. Тўқиш жараёни қамиш ўртасидан биринчи арқов қамиш солишдан бошланади. 13 та қамиш арқов қилиб солинган, қамиш пичоқ ёрдамида қайрилиб, бўйра чети чиқарилади.

Фарғона водийсининг Сирдарё ортида жойлашган қорақалпоқларнинг айрим қишлоқлари бўйрадўзлик ҳунари билан махсус шуғулланганлар. Хусусан, Фарғона вилояти Данғара туманидаги Қудук, Шопўлат, Наманган вилояти, Поп туманидаги Ғазнок, Бешсари, Мингбулоқ туманидаги Қозоқовул, Найман кабиларни шундай қишлоқлар сирасига киритиш мумкин.

Айниқса, Сирдарё ва Норин дарёси ёқаларида яшовчи қорақалпоқларда қамишда бўйра, чий, бордан ва бошқа қамиш буюмлар тайёрлаш анъанавий ҳунар тури ҳисобланиб анча такомиллашган эди. Масалан, Момахон қорақалпоқларини дон солинадиган идиши бардон бўйра бўлган. У цилиндр шаклида бўлиб, сақланаётган дон учун ҳавони яхши ўтказган, донга мита тушмаган, кемирувчилар зиён етказа олмаганлар. Ўчоқ ёнига П шаклида ўчоқбардон тўшаб ўтирганлар. Бўйрани ўлчами 170x200 см қилиб тўқилган. Қамишдан балиқ овлаш учун ғазо, том тепасига солиш учун чий тайёрланган [Дала ёзувлари. Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Момахон қишлоғи. 2018 йил].

Қолган қорақалпоқ қишлоқларида яна шу каби маҳсулотлар ва том ёпишда фойдаланиладиган бордон-бўйранинг бир тури (қамишнинг барги тозаланмасдан тўқилади) шунингдек, қазо бўйра тўқилган. Қазо бўйра ўлчамига кўра, “чора газ” 5–6 м² ва 1,6 м² лиси (се газ) бўлган. Қозон устига ёпишда ишлатиладиган қозон бўйра ҳам тўқилган.

Водийда Сирдарё бўйида жойлашган деярли барча қорақалпоқ қишлоқларида бўйра тўқилсада, моҳир ҳунармандлари билан машҳур бўлган Қудук, Шопўлат, Ғазнок, Бешсари, Қозоқовул, Найман каби ҳунармандчилик ривож топган қишлоқлар мавжуд эди.

Дала тадқиқотчилари шуни кўрсатадики, қамишдан бўйра тайёрлаш билан гарчи барча водийлик қорақалпоқлар шуғуллансаларда, улар истиқомат қилаётган айрим қишлоқ аҳолиси бу машғулоти билан мунтазам шуғулланиб, бозор учун турли хилдаги бўйраларни махсус тўқиганлар. Масалан, Фарғона вилояти Данғара тумани ҳудудида жойлашган Қудуқ қишлоғида яшовчи қорақалпоқлар ушбу соҳани моҳир усталари ҳисобланиб, ҳозирги кунга қадар ушбу анъанани сақлаб келмоқда [Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Қудуқ қишлоғи. 2018 йил].

Водий ғарбидаги қурамаларда ҳам қамишдан 2x1.5 м ўлчамда бўйра айниқса хўжаликда фойдаланган чий кўп тайёрланган. Шимолий қисмдаги қипчоқларда ҳам қамишдан чий тўқиш жуда ривож топган [Эсонов З. Ю. 2020. – Б. 96].

Мазкур даврда водийдаги ярим ўтроқ этнослар хўжалигида маҳаллий дарахт новдаларидан турли уй-рўзғор буюмлари тўқиш ривож топганди. Водийда қорақалпоқлар бу соҳада моҳир тўқувчи эдилар. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, водийда Андижон яқинидаги аввалги Қизилоёқ, ҳозирги Ақбура қишлоғида истиқомат қилувчи қашқарлик лўлиларнинг аёқчилар этник гуруҳи сават тўқишда бутун водийга машҳур эдилар. Аёллар тўранғил, толдан сават, рўзғор буюмлари, ҳаттоки арава соябони тўқиганлар. Маҳаллий аҳоли уларни “саватчи” деб атаган [Губаева С. С. 1991. – С. 93].

Қорақалпоқлар тўранғил новдасидан нонсават, қошиқсават, мева-сават, балиқ овлаш учун босма сават, чўлпи, чўмич тўқиганлар. Айрим қорақалпоқ қишлоқларида эса новдадан юк ташишда фойдаланиладиган замбил тўқилиб, турмушда кенг фойдаланганлар [Дала ёзувлари. Наманган вилояти Поп тумани Кенагас қишлоғи. 2021 йил].

Юқорида келтирилган маълумотлардан аён бўладики, XIX аср охири – XX аср бошларида ҳам водий қорақалпоқлари ўзларининг анъанавий хўжалик соҳаси – чорвачилик билан шуғулланишни хўжалик шакли сифатида сақлаб қолган эдилар. Шунинг учун

уларнинг турмушида яримўтроқ турмуш тарзи эҳтиёжларини турли буюмлар билан таъминлаб келган ҳунармандчилик соҳалари: тўқима-чилик, бўйрадўзлик, ёғоч буюмлар яшаш муҳим ўрин сақлаб қолган. Мазкур жиҳат водийнинг ғарбий қисмидаги қорақалпоқларда водийнинг бошқа қисмида истиқомат қилувчи қорақалпоқларга нисбатан яхши сақланиб қолган эди.

Хулоса ва таклифлар. Шундай қилиб, ўзбек халқининг дарё култи билан боғлиқ маросимлари асрлар мобайнида такомиллашиб, ривожланиб турли даврлардаги дин ва мафкуралар тазйиқига қарамай, ўзининг илк асосий кўринишларини сақлаган ҳолда ҳанузгача давом этиб келмоқда. Бу эса ўзбекларнинг тарихи, ўтмиши, этномиллий маданияти, маънавияти юксак даражада эканлигини исботлайди.

Аммо, шуниси ачинарлики, дарёларда сув захиралари камайгани сари уни исроф қилиш ҳам мутаносиб равишда тобора ортиб бормоқда. Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, Республикада бир гектар экинзорни суғориш учун ҳар йили ўргача 10–12 минг кубометр сув сарфланмоқда. Ҳолбуки, дунёнинг ниҳоятда серсув ва катта дарёларидан бири бўлмиш Нилни тасарруф қилаётган мисрлик деҳқонларга ушбу масалада 900–950 кубометр сув кифоя. Сувга бўлган бундай шафқатсиз муносабатнинг “меваси” шундан иборатки, у ҳам умумдавлат миқёсидаги беқиёс долзарб муаммолардан бирига айланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Солиев Э. Фарғона водийси дарёлари суви оқимини иқлим ўзгариши шароитида баҳолаш. – Наманган, 2017.
2. Аширов А. А. Ўзбек маданиятида сув. – Тошкент: Akademnashr, 2020.
3. Саидов А. Х. Жаҳонда сув етишмаслиги билан боғлиқ инқирозлар // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – 2010. – №2. – Б. 135–142.
4. Мингбоева Д. Тимсоллар тилсими. – Тошкент: Adabiyot, 2022. – Б. 66.

5. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Тумор ва Олаҳамак, Наманган вилояти Норин тумани Учтепа ҳамда Кемабоши, Андижон вилояти Балиқчи тумани Чинобод қишлоқлари. 2025 йил.
6. Турдимов Ш. Халқ қўшиқларида рамз. – Тошкент, 2020. – Б. 56.
7. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Поп тумани Майда миллат, Ғурумсарой ва Пунгон қишлоқлари. 2025 йил.
8. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Уймовут ва Қудуқ қишлоқлари. 2016–2020 йиллар.
9. Саримсоқов А. А. Ўзбек халқи тақвимий маросимлари. – Тошкент: Yangi nashr, 2014. – Б. 114.
10. Potapovs L. P. Materialien zur Kulturgeschichte der Usbeken aus den Jahren 1928–1930: mit begleitenden Worten des Sammlers. von Jacob Taube. Turcologica, Bd. 25. – P. 23.
11. Гулямов Я. Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. – Ташкент, 1957. – С. 250.
12. Мухиддинов И. Земледелие памирских таджиков припамирских таджиков Вахана и Ишкамиша в XIX – начале XX (Историко-этнографический очерк). – М., 1975. – С. 44.
13. Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа. – Ташкент: Фан, 1974. – С. 189.
14. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Норин тумани Учтепа қишлоғи. 2018 йил.
15. Календарные обычаи и обряды народов восточной Азии. Годовой цикл. – М., 1988. – С. 132.
16. Рассудова Р. Я. Культовые объекты Ферганы как источник по истории орошаемого земледелия // СЭ. – 1985. – №4. – С. 97.
17. Басилов В. Н. Культ святых в исламе. – М.: Наука, 1970. – С. 26–27.
18. Исомиддинов З. Ўш сувлари // “Она юртим – Қирғизистон. – Ўш–Бишкек, 2019. – Б. 88–124.
19. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Қолгандарё қишлоғи. 2020.

20. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Гулқишлоқ қишлоғи. 2020 йил.
21. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент, 2010. – Б. 192.
22. Фатхи Х. Смысл женских ритуалов Биби Мушкулькушод и Биби Сешанбе в современной Центральной Азии / Марказий Осиёдаги анъанавий ва замонавий этник жараёнлар. – Ташкент, 2005. – С. 18.
23. Сўфиев Ў. М. Сўх тожикларининг сув қульи билан боғлиқ урф-одатлари / Фарғона водийси тарихи – янги тадқиқотларда. – Фарғона, 2014. – Б. 120.
24. Губаева С. С. Население Ферганской долины. – Ташкент: Фан, 1991. – С. 18–19.
25. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Оқтепа қишлоғи. 2020 йил.
26. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Поп тумани Кенагас қишлоғи. 2021 йил.
27. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Момахон қишлоғи. 2018 йил.
28. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Момахон қишлоғи. 2018 йил.
29. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Қудуқ қишлоғи. 2018 йил.
30. Эсонов З. Ю. Фарғона водийси қишлоқ аҳолисининг ҳунармандчилик анъаналари (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) лиссертацияси. – Тошкент, 2020. – Б. 96.
31. Губаева С. С. Население Ферганской долины. – Ташкент: Фан, 1991. – С. 93.
32. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Поп тумани Кенагас қишлоғи. 2021 йил.

Аннотация. В данной статье с исторической и этнографической точек зрения проанализировано место культа реки в системе традиционного образа жизни и национальных ценностей узбекского народа. Среднеазиатский регион с древнейших времён являлся одной из территорий, имеющих историческое, экономическое, а также социально-политическое значение, и отличается своим многообразным этническим составом и стратегическим геополитическим положением. В этом процессе важную роль играли реки, протекающие через регион: на их берегах формировались самобытная культура и хозяйственные традиции.

В исследовании этнографически рассмотрены исторические корни представлений узбеков о культе реки, обряды и традиции, связанные с этим символом, а также их место в повседневной жизни населения региона — в хозяйственной деятельности, семейных и религиозных обрядах.

Ключевые слова: Ферганская долина, узбеки, Сырдарья, Амударья, Нарын, реки, культ реки, вода, опасности, связанные с водой, обряды, жертвоприношение реке, очищение водой, каракалпаки, хозяйственная культура, ремесленничество, плетение циновок, народное устное творчество, материальная культура, духовная культура, мужчина и женщина.

Annotation. In this article the role of the river cult in the system of traditional lifestyle and national values of the Uzbek people is analyzed from a historical and ethnographic point of view. The region of Central Asia has long been one of the regions of historical, economic, and even socio-political importance. It is distinguished by its diverse ethnic composition and strategic geopolitical location. In this process, the rivers flowing through the region have acquired an important role, and unique cultural and economic traditions have formed on their banks.

In this study the historical roots of the views of the Uzbek people on the river cult, the rituals and traditions associated with this symbol, and their

role in the daily life (economic, family, and religious ceremonies) of the region's population are discussed from an ethnographic point of view.

Keywords: Fergana Valley, Uzbeks, Syrdarya, Amu Darya, Naryn, rivers, river cult, water, water-related dangers, rituals, sacrifice to the river, purification with water, Karakalpaks, economic culture, handicrafts, mat weaving, folklore, material culture, spiritual culture, man and woman.